



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ ТАЪСИСЧИ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРКИБДАГИ УЧРАШУВИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми.Боши 1-бетда).

Биз, Ўзбекистонда Орол денгизини том маънода қутқариб қолишни амалда деярли иложи йўқлигини яхши англаймиз. Аммо бу ерда ашаётган аҳолига соғлом турмуш кечириши учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида ҳар томонлама пухта ўйланган чора-тадбирлар Дастурини амалга оширишимиз шарт. Бу бизнинг бурчимиздир.

Орол қуриши оқибатларини бартараф этиш ва Орол денгизи ҳавасини экологик жиҳатдан соғломлаштириш борасида бизнинг асосий, энг муҳим вазифаларимиз, аввало, қуйидагилардан иборат, деб ҳисоблаймиз:

— Орол денгизининг қуриб қолган қисмида кичик сув ҳавзалари яратиш, чанг ва туз бўронларини камайтириш мақсадида дельта ҳавзаларига сув этиб боришни таъминлаш, биохимла-хиллик ва дельта экотизимини қайта тиклаш;

— Орол денгизининг қуриб қолган қисмида жуда муҳим бўлган ўрмонзорлар барпо этиш, қум кўчишини тўхтатиш, денгизнинг қақраб ётган тубидан захарли моддалар кўтарилишини камайтириш;

— коммунал хизмат ва даволаш муассасаларини ичимлик суви билан таъминлаш ва сувни зарарсизлантирувчи қурилмалар билан жиҳозлаш, сув йиғиш иншоотларини хлорловчи қурилмалар билан қайта жиҳозлаш ҳамда аҳолининг соғлигини сақлашга хизмат қиладиган бошқа кўплаб тадбирларни бажариш;

— Оролбўйи ҳудудда кўлами тобора кенгайиб бораётган экологик та-назулнинг аҳоли саломатлиги ва фарзандларимиз, келгуси авлодларимиз генофондида таъсирини тизимли асосда ўрганиш, ушбу минтақага хос турли хавфли касалликлар одамлар орасида кенг тарқалишининг олдини олиш ва бундан оголланган бўлиш, бу ерда ашаётган аҳоли учун ихтисослашган профилактика ва даволаш муассасалари тармоғини кенгайтириш, ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришга доир чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш.

Қайд этилган лойиҳалар ва дастурлар жорий этиш учун фақат кейинги 10 йил мобайнида Ўзбекистонда 1 миллиард доллардан ортиқ, жумладан, хорижий кредитлар, техник кўмак ва грантлар ҳисобидан қарийб 2,5 миллиард долларга тенг маблағ сарфланди.

Шу юксак минбардан туриб, менга берилган имкониятдан фойдаланиб, Орол фожиасини юмшатишда бизга катта ёрдам кўрсатган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг тузил-

маларига, барча донор-мамлакатларга чуқур миннатдорлик билдиришни ўзимнинг инсоний бурчим, деб биламан.

Яна бир муҳим масала тўғрисида ҳам қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Орол фожиаси ва уни бартараф этишга доир чора-тадбирлар ҳақида сўз борганда, табиийки, ушбу вазифани ҳал этиш бевосита сув-энергетика ресурсларидан оқилона ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш, минтақадаги ўта нозик бўлиб турган экологик ва сув мувозанатини сақлашга эҳтиёткорлик билан ёндашиш муаммолари билан боғлиқ эканини барчамиз яхши англаймиз.

Бугун Оролбўйи ҳудудда ва умуман минтақада юзага келган ниҳоятда жиддий ва тобора оғирлашиб бораётган экологик вазиятда Орол денгизи қуриши туфайли юз бериши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олиш борасида гоят муҳим чоралар қуриш кераклигини кимгадир исботлаб ёки кимнидир бунга ишонтириб ўтиришнинг зарурати йўқ, деб ўйлайман.

Хурматли учрашув қатнашчилари,

Давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви чоғида кенгайтирилган таркибдаги музокарада фақат битта масала — Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг фаолияти ва унинг истиқболдаги асосий вазифаларини муҳокама қилишга келишиб олинган эди. Бироқ айрим ҳамкасбларимиз ўз сўзларида кенгайтирилган таркибдаги музокарадаги келишувимиз доирасидан чиқиб кетди. Шунга қарамай, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси фаолияти доирасидан анча йироқ бўлган масалалар юзасидан бугун баҳс-мунозара уюштиришдан ҳеч қандай маъно йўқ, деб ўйлайман.

Мен фақат биз учун жуда муҳим бўлган бир воқеа, яъни яқинда Жаҳон банки президенти жаноб Роберт Зелликдан олинган ва Ўзбекистон матбуотида эълон қилинган мактуб ҳақида яна бир бор эслатиб ўтишни истардим. Бу хат Ўзбекистон Республикаси Президентининг бугунги кунда Марказий Осиёда бугун минтақа гидроэнергетика ресурсларидан биргалликда фойдаланиш билан боғлиқ барча мураккаб муаммолар аниқ баён этилган мактубга билдирилган жавоб эди.

Сўнги йилларда мазкур масала юзасидан жиддий баҳс ва муҳокама олиб боришмоқда. Минтақамиздаги икки азим дарё — Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмида жойлашган мамлакатлар билан бу дарёларнинг қуйи қисмидаги мамлакатлар — Ўзбекистон, Туркменистон, Қозоғистон ўрта-сидаги баҳслар чоғида вужудга кел-

ган турли қарашларнинг бўлишини табиий ҳол, деб ҳисоблайман.

Тожикистон ва Қирғизистон, аввало, фақат ўз манфаатларини кўзламоқда. Холбуки, бу ерда гап ҳар бир алоҳида давлат манфаатлари ҳақида бормоқда. Бу фақат бугунги куннинг манфаатлари эмас, балки келажакнинг ҳам манфаатлари эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Чунки, бу ерда айталик, совет даврида сув-энергетика дастурларини амалга ошириш борасида шу қадар кўп хатоларга йўл қўйилганки, бугун бу ҳақда афсусланиб гапиришга тўғри келади. КПСС Марказий Қўмитаси, Сийёсий Бюро ва СССР Министрлар Совети қарорлари ва биноан қабул қилинган Сибирь дарёлари Қозоғистон ва Ўрта Осиё ҳудудларига буриш ва бошқа кўплаб ташаббуслар ана шундай улкан лойиҳалар сирасига кирди.

Ишончим комилки, бундай «буюк лойиҳалар»нинг бирортаси ҳам пухта ўйланмасдан ишлаб чиқилган бўлиб, улар нафақат халқаро, балки умуман ҳеч қандай жиддий экспертизадан ўтмаган ва бу фикрни тасдиқлайдиган далиллар етарлидир.

«Партия қарорлари — ҳаётга» деган широғга асосланиб, оқибати ўйланмай қилинган бундай ишлар нафақат бизнинг минтақамиз, балки собиқ Совет Иттифоқининг бошқа катта ҳудудларида ҳам шунчалик кўп муаммолар тудирганки, бугунги кунда экологлар улар ҳақида афсус ва норозилик билан сўз юритмоқдалар.

Бу — алоҳида мавзу, албатта. Лекин бугун шу нарса аёнки, Марказий Осиё ҳудудда мазкур сув оморлари, гидростанциялар ва бошқа иншоотларнинг қурилишига муносабатлар турлича бўлмоқда. Бу эса кўзда тутилган асосий масала — электр энергияси олиш масаласини ҳал этиш билан бир қаторда, бугун биз ҳар қадамда тўқнаш келаятган кўплаб экологик муаммоларни ҳам келтириб чиқараётгани билан боғлиқдир. Шу боис бу борада баҳс-мунозаралар бўлиши мутлақо табиий ва қонуний ҳолдир.

Биз фақат минтақада янгидан қурилиш бошланаятган барча йирик гидроэнергетика иншоотлари бўйича мутахаллиқ халқаро экспертиза ўтказиш тарафдори эканимизни яна бир бор таъкидламоқчиман, ҳолос. Бу борада бизни нафақат Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки, балки Европа Иттифоқи ҳам кўплаб-қувватламоқда. Хусусан, минтақамизга, жумладан, Тожикистон ва Қирғизистонга бир неча марта келиб кетган Европа Иттифоқи вакили жаноб Морель ҳам шу ҳақда гапирган эди.

Шу сабабли бу ерда гап нафақат

Амударё ва Сирдарёнинг қуйи қисмида жойлашган мамлакатларнинг нуқтаи назари ҳақида, балки амалда бутун жаҳон жамоатчилигининг фикри ҳақида бормоқда. Шу билан бирга, мен бундай баҳслар бўлиши табиийлигини, лекин мунозарани янада кескинлаштирадиган фикрлардан тийилиш зарурлигини таъкидлашни истардим. Минтақадаги бу жараёнларга таъсир кўрсатишга уринаётган айрим учинчи мамлакатлар қандай стратегик мақсадларни кўзлаётгани тобора аён бўлиб бормоқда.

Биз, ўз халқи олдида, тарих олдида масъул бўлган давлат раҳбарлари, аввало, бугун ушбу баҳс-мунозараларни авж олдиришдан ва уларга сиёсий тус бермасдан, умумий ёндашув нуқталарини топишимиз даркор, деб ўйлайман. Акс ҳолда, мамлакатларимиз, халқларимиз манфаатлари бир четда қолиб, учинчи кучларнинг стратегик ҳамда геосийёсий манфаат ва мақсадлари, минтақани бошқариш билан боғлиқ масалалар олдинга чиқиб қолиши мумкин.

Энг асосийси — мамлакатлар ва давлат раҳбарлари ўртасидаги муносабатларни кескинлаштиришдан, аксинча, ўзаро муроसाга келишдир. Бу борада биз учун бошқа йўл йўқ. Яна бир бор шунга таъкидламоқчиманки, мен ҳам бошқалар каби Тожикистон ва Қирғизистон манфаатларини ҳурмат қиламан. Лекин барибир ўзаро келишувга эришишимиз даркор, негаки, бундан ушбу ўта муҳим масалани ҳал этиб бўлмайди.

Бугунги учрашувда Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг чиқишини, у илгари сурган айрим, айтиш мумкинки, принципал тамойилларни тўлиқ қўллаб-қувватлашмини қайд этмоқчиман. Унинг Туркменистон позицияси баён этилган фикрига кўра, «биз ушбу минтақада давлатлар манфаатлари мувозанатига эришишимиз даркор». Бу сўзларда ҳамма гап айтилган.

Агар биз мувозанатга эришолмасак ва ўзаро муросага келолмасак, бу муаммони ҳал эта олмаيمиз ва унинг ечим узоқ йилларга чўзилиб кетади. Қолаверса, ким ўз мақсадига эриша олиши ҳам ҳали номаълум — биз, яъни ушбу минтақада ашаётган халқларимиз ёки, пировард натижада, бошқаларнинг манфаатлари амалга ошадими? Бу борада «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» деган принцип — эскидан маълум бўлган савдо амалга ошгудек бўлса, биз кимларнингдир қўлида арзимас тангага айланиб қолишимиз мумкин.

Бунга йўл қўйишга эса бизнинг асло ҳаққимиз йўқ. Эътиборингиз учун раҳмат.

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

(Давоми.Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги А.Икромов халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлиқни яхшилаш, оилада соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлаш Президентимиз Ислам Қаримов раҳнамолигида тиббиёт соҳасида олиб борилаётган кенг қўламли ишловларнинг устувор йўналиши эканини алоҳида таъкидлади. Бу борада ишлаб чиқилган тегишли давлат дастурларида белгиланган вазифалар босқичма-босқич ҳаётга таъбиқ этилаётгани ўзининг юксак самараларини бераётир.

Аҳоли, айниқса, оилаларга тиббий хизматни яқинлаштиришнинг ўзига хос шакли — бирламчи тиббий муассасалар фаолияти тобора такомиллашмоқда. Тиббиётнинг барча йўналишлари, жумладан, онкологик хизмат кўрсатиш кўлами кенгаймоқда. Бу жараёнда касалликнинг олдини олиш, уни барвақт аниқлаш, ўз вақтида таъбиқ қилиш ва даволашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Мамлакатимиздаги шифо мақсадларида бундай хасталикларни даволашнинг замонавий усул ва воситаларидан кенг фойдаланиш билан бир қаторда, онкология диагностикаси ва амалиётга оид кўплаб янги технологиялар яратилмоқда. Хасталанган аъзоларни қайта тиклашга хизмат қиладиган реконструктив операциялар, модификаторлар асосидаги нур терапияси оид янги ёндашувлар, микрожаррохлик услублари, умуртқа поғонаси ўсмаларини даволашдаги янги услублар юзлаб беморларни ногиронликдан асраш ва соғлом ҳаётга қайтаришга хизмат қилмоқда.

Тадбирлар Франциялик мутахассислар мамлакатимизда онкология илминини ривожлантириш, унинг ютуқларидан оқилона фойдаланиш борасида яратилган шароит ва амалга оширилаётган кенг қўламли илмий-амалий ишларга юксак баҳо бердилар.

Б.ХИДИРОВА, ЎЗА МУХБИРИ

### Шарҳловчи минбари

## ГРИППНИНГ ЯНА БИР ТУРИ

Сўнги пайтда Мексикада тарқалган «чўчка гриппи» Осиё ва Европанинг айрим мамлакатларига ҳам таҳдид солмоқда.

Мексика соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, мамлакатда А/Н1Н1/штамми «чўчка гриппи» вирусини юктирганлар сони икки минга етган. Бу касаллик туфайли вафот этганлар сони юз элликдан ошган. Мамлакатдаги кўплаб идоралар, мактаблар, кутубхона ва ресторонлар вақтинча фаолиятини тўхтатган. Чунки вирус одам гавжам жойларда тез тарқалади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳозир Буюк Британия, Испания, Канада, Янги Зеландия ва АҚШда ҳам касалланганлар бор. Бу мамлакатларда вирус тарқалишига қарши курашининг стратегик режаси ишлаб чиқилмоқда. Унга мувофиқ А/Н1Н1/штамми вирусини юктирган беморларга алоҳида тиббий ёрдам кўрсатилаётир.

Хусусан, Янги Зеландияда «чўчка гриппи»ни юктирганлар сони олтимига етган. Уларнинг аксарияти Мексика ва АҚШдан касал орттириб келган.

Пул ишлаш мақсадида Канадага келаятган мексикаликлар бу ерда ҳам касаллик тарқалишига сабаб бўлмоқда. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, жорий йилнинг биринчи чорадаги Канадага йигирма мингдан зиёд мексикалик келган. Уларнинг аксарияти қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ишлайди.

Шифокорлар фермаларда боқилаётган чўчкалар вируснинг манбалари эканини таъкидламоқда. Ёгинлар мавсуми ва совуқ ҳаво грипп тарқалишини икки баробар кучайтирмоқда. Ёгингарчиликдан кейинги парланиш туфайли ҳавода катта миқдорда вирус дончалари тарқалмоқда. Янги дамда миллионлаб одамнинг ҳаёти хавф остида. Касалликнинг асосий белгилари — тана ҳароратининг кўтарилиши, қаттиқ йўтал, ҳолсизлик ва мушаклардаги кучли оғриқ.

Мадина УМАРОВА, ЎЗА шарҳловчиси

## SMS ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТЎЛОВ

«eKarmon Group» масъулияти чекланган жамияти «eK SMS» яъни, SMS технологиялари ёрдамида тўловларни амалга ошириш хизматини тақдим этмоқда.

«eK SMS» — бу фойдаланувчиларга «eKarmon» тизимида ўз «электрон кармон»ларини SMS хабарлар ёрдамида масофали бошқариш имконини берадиган қўшимча хизмат тури ҳисобланади. Мисол учун, бунга мобил алоқа ва ўй телефон рақамига тўловлар, Интернет хизмати ва IP-телефония учун ПИН-кодларни харид қилиш, Тошкент шаҳри ҳақида вилотларда газ, электр энергияси учун тўловларни амалга ошириш, ўз яқинларининг «электрон кармон»лари пул ўтказиш, бажарилган транзакция жараёни ва электрон ҳисоб рақамни текшириш каби кўплаб ишлари бажариш мумкин.

«eKarmon Group» масъулияти чекланган жамияти компанияси «eKarmon» интернет-тўловлари тизимининг оператори ҳисобланади. Мазкур компания мамлакатимизда электрон тижоратни биринчилардан бўлиб йўлга қўйган. «eKarmon» тизимида электрон тижорат иштирокчилари учун айна вақтининг ўзида Интернет тармоғи ёрдамида шахсий электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда, махсусотларни харид қилиш ёки хизмат кўрсатиш имконини беради. Бу фойдаланувчиларнинг «электрон кармон»лари хавфсизлигини кафолатлайди.

В.НИКОЛАЕВ, ЎЗА МУХБИРИ

## ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Фанлар академияси Астрономия институтида Мирзо Улугбек таваллудининг 615 йиллиги ҳақида БМТ томонидан 2009 йилнинг Халқаро Астрономия йили деб эълон қилиниши муносабати билан олий ўқув юртиларининг астроном талабалари учун семинар-тренинг ўтказилди.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Миллий комиссияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда соҳа мутахассиси ва олимлари, талабалар ва ёш астрономлар иштирок этди. Ўзбекистон Фанлар академияси Астрономия институти уюштиришдаги етакчи илмий-тадқиқот муассасалардан бири ҳисобланади. Юздан ортиқ ходим фаолият юритаётган ушбу даргоҳда кинот сирларини ўрганиш баробарида астрономия фанининг энг долзарб муаммолари устида илмий изланишлар ҳам олиб борилади. Дарҳақиқат, ер шарни қуруқлик қисмининг учдан бирини эгаллаб турган Евроосиё минтақасида, хусусан, Ўзбекистонда осмон жисмларини кузатиш учун энг қулай жойлар мавжуд. Дунё астрономлари ҳам юртимиз олимларининг соҳада кўлга киритаётган янгилликларига катта қизиқиш билан қарашмоқда.

Семинар-тренингда сўнги йилларда юртимиз астрономларининг икки юздан ортиқ илмий мақолалари маҳаллий ва хорижий матбуотда эълон қилинганлиги мамнуният билан қайд этилди. Йиғилишда ёш олимларнинг астрономия фани ривожига қўшаётган илмий изланишлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилиб, уларнинг илмий-тадқиқотлари яхши натижалар бераётгани алоҳида таъкидланди.

Ўқув-семинар давомида ёш олимларга астрономиянинг энг сўнги ютуқ ва янгилликлари ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, кинотдаги микро-изланишлар ҳодисаси ёрдамида қўшиб тизимдан ташқирдаги сайёбаларни излаш ва илмий жиҳатдан ўрганишга оид масалалар муҳокама қилинди. «Туркистон-пресс»

Журналистлар орасида транспорт соҳасида ёзидиганлари кам. Тўғри-да, барчининг ҳам техникага тиши ўтавермайди, ҳаммининг ҳам транспорт тизимига хос мураккаб атамано истилоҳларни ўрганиб деб бош қотиргани келмайди. Аммо Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, «Роутат транспорт» газетасининг бош муҳаррири ўринбосари Фаттоҳ Абдурахимов мана қирқ беш йилдирик, транспорт соҳаси журналисти вазифасини қўйилмақом қилиб уддалаб келяпти.

Эҳ-ҳе, салкам ярим асрлик ижодий фаолияти давомида у нималарни кўрмади дейсиз! 1966 йили Тошкент учун улкан синов бўлган зилзила... Табиий офатдан кейин шаҳарнинг тубдан қайта қурилиши. Шаҳар транспорт тизимининг оёққа туриши, равнақ топиши. Марказий Осиёда ягона метрополитеннинг бунёд этилиши. Кўна Шонинг замонавий Тошкент сифатида донг таратиши... Журналистик фаолияти давомида Фаттоҳ Абдурахимов асим пойтахтимиз ҳаётидаги муҳим тарихий воқеаларнинг шохиди бўлди, улар ҳақида кўплаб мақолалар ёзди.

Инсоннинг ким бўлиб етишиши, ҳайси касбнинг этагидан тутиши кўп жиҳатдан оилавий муҳитга, ота-она тарбиясига боғлиқ. Бу жиҳатдан Фаттоҳ ака падари бузруквори Абдурахим ота ва волидаи муҳтарамаси Хотира аядан миннатдор. (Иккалаларини Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин). Узлари олийгоҳда ўқимаган бўлсалар-да, ҳатто дипломли мутахассисга дарс бера олган ота-она тарбияси бўлмаганда, ким бўлади, транспорт тизимининг «пир»и бўлган моҳир журналист етишиб чиқмасмиди...

Оиладаги қайноқ ижодий муҳит таъсирида Фаттоҳ ака адабиётга, иккада меҳр қўйди. Ҳатто 1954 — 1957 йиллари — харбий хизмат пайтида ҳам қисм деворий газетасига муҳаррирлик қилди. Тасодифи ёки қонияти-ми, ишқилиб, Фаттоҳ аканинг ўша пайтлари ёзган биринчи мақоласи ҳам ҳайдовчиларга бағишланганди. Ажабки, у кейинги ярим асрлик ижодий фаолияти давомида ҳам ана шу фидойи касб эгалари ҳаётига кўп бора мурожаат қилди, транспорт соҳаси ходимлари ҳаётининг билимдонига айланди.

1958 йили — харбий хизматдан қайтиб, ҳеч иккиланмасдан Ўрта Осиё давлат университетини (ҳозирги УзМУ)нинг журналистика факультетига ҳужжат топширди. Уша йили журналистик келгусида иккада ўз сўзини айта оладиган бир қатор истеъдодли ёшлар кирганди: Уткир Хошимов, Тўра Сулеймов, Ислам Шогўломов... У ана шу каби иқдорлар билан бир курсда таълим олди.

Ўқиб даврида тизимсиз изланди. Курсдош талабалар уйин-қулгига шошган пайтда у таҳририятга ошди. Аслида зўр бериб меҳнат қилинмас, бор истеъдод ҳам рўёбга чиқмай сўниши мумкин. Фаттоҳ ака Худо юктирган иқти-

дорни ўстириш учун ўз устида қаттиқ ишлади. Шу йиллардан бошлаб мамлакатимиз марказий нашрларида «Фаттоҳ Абдурахимов» имзоси билан бир-бирдан салмоқли мақолалар эълон қилина бошлади. Республикаимиз матбуот нашрларида ҳали-ҳануз ушбу имзо билан турли мавзулардаги мақолалар чоп этилмоқда.

Дастлаб бир мuddат «Тошкент ҳақиқати» газетасида ўз маҳоратини оширди. Холмурод Шарипов, Носир Рихсиев, Шўрат Қосимов каби маҳоратли журналистлардан иқод сирларини ўрганди. Бу орада Тошкент шаҳри электр транс-


портчиларининг «Мотор» газетасида иш борлигини эшитиб қолди ва шу ерга келди. Бу айтиш мумкинки, Фаттоҳ аканинг келгуси умр йўлини белгилаб берган воқеа бўлди. У шу жойда палак ёзди, илтид озди. Журналистикада ўз ўрнини топди. Ҳатто 1986 йили газетамизда бош муҳаррирлик қилди. Ҳаққон, ана шу қадрдон газетамизда бош муҳаррир ўринбосари вазифасини бажариб келмоқда.

Уша пайтлари «Мотор» газетаси рус тилидаги нашрдан таржималар бериладиган бюллетень эди. Ёш, интилувчан ва изланувчан Фаттоҳ Абдурахимов «Мотор»ни росмана мустақил газетамизга айлантирди. Тез орада бюллетенга нашр ўрнига транспорт соҳасига оид турфа жанрдаги материаллардан иборат бўлган 12 саҳифали салмоқли газета дунё юзини кўрди.

У транспорт тизимига бағишланган ўқини мақолалари билан ҳамкасблари орасида хурмат қозонди. Ана шундай мақолалари учун 1986 йили журналистлар уюшмасининг махсус соврини билан тақдирланди. 1991 йили мамлакатимиз ОАВ ходимларининг нуфузли муқофоти — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист унвонини олди.

### Хамшаҳарларимиз

## ҚИРҚ БЕШ ЙИЛЛИК ҲАЁТ САБОҚЛАРИ



Устоз қаламқашни транспорт соҳасини сув қилиб ичиб юборган журналист дея таърифлаганимиз бежиз эмас. Бунга ишонмасангиз, Фаттоҳ аканинг ўтган йиллар мобайнида эълон қилинган мақолалари ёки 1996 йили чоп этилган «Йўлингиз равон бўлсин» китобини топиб ўқинг. Ана ўшанда, етук ихтисослашган журналист қандай бўлади деган саволларга жўяли жавоб топишингизга кафилимиз!

Эркакларнинг касбу қорда муваффақиятга эришувида шубҳасиз, оинанинг ўрни қатъият. Бошқа касб эгаларини билмадиг-у, аммо иқдор одамнинг рафикаси бўлиш, унинг нозик қўнғига йўл топа олиш қийин. Фаттоҳ ака Мактуба яа (охирати обод бўлсин) билан эллик икки йил ахил-тотувида ҳаёт кечирди. Мактуба яа Фаттоҳ аканинг яхши-ёмон қўнларидан сунан ва таянқ бўлди. Аммо умр экан, бир неча йил олдин ая фоний дунёдан боқий дунёга сафар қилдилар. Бу икки инсон ахли солиҳ фарзандлар ўстириши — бир ўғил ва ўз қизини тарбиялашди. Фаттоҳ ака ҳақиқий маънода пири-бадавлат инсон. Унинг 14 нафар навараси, 16 нафар чевараси бор. Оила ахли бир хондонга йиғилса, тўй бўлиб кетади дейсиз.

Фаттоҳ ака ҳали ҳам ижодий изланишдан, меҳнатдан қарчамайди. Таҳририятдаги ёш ходимлар уйлаб ўйига етгунча анча-мунча ишни сўзга бажариб қўяди, мақоламини, мақоламини — ўқиган сари ўқигинг келадиган ширали материалларни лавҳада муҳайё қилади.

Шу қўнларда Фаттоҳ Абдурахимов етмиш беш йиллик таваллуд тўйини нишонламоқда. Одатда, етмиш беш яшар одам дейилганда, тасаввуримизда мунқиланган мўйсафид, ҳассага таянган хекса инсон гавдаланади. Лекин Фаттоҳ акага келганда, бундай ҳаёлга бориш кетмайди. Устоз қорак кам бир асрлик умрни қўриб қўйса-да, ҳали ҳам қирчиллама йигитдек ишламоқда, юриш-туриши, фель-атвори ҳам навқирон.

Шуну қувонч билан таъкидлаш жоизки, Фаттоҳ Абдурахимовнинг кутлуг етмиш беш ёшга қаддам қўйиши ўзи 45 йилдан бундан узуқлиқ фаолият кўрсатиб келаятган «Тошшаҳартранспорти» уюшмасининг ҳафтаномаси — шаҳар транспортчиларининг меҳнати кўзгуси бўлиши «Роутат транспорт» газетасининг ҳаёт юзини кўраганига 80 йил тўлиши пайтларига тўри келяпти. Ўйлаймики, ҳар иккала кутлуг сананинг бир-бирига муносиб тарзда келиши бежиз эмас, балки ҳайрли воқеадир.

Мана шундай кутлуг қўнларда биз Фаттоҳ акага мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий бахту саодат ёр бўлмоғини тилаб қоламиз. Устоз журналистни элга танитган қалами ҳаммиша ўткир, сўзи кескир бўлсин!

Саломатлик — туман бойлик

ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИДА СПОРТ БАЙРАМИ

Тошкент Тиббиёт академиясида соғлом турмуш тарзини тартиб этиш, ўқитувчи ва талабаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ишларига муҳим эътибор қаратилади. Йил давомида ўтказиб келинадиган ҳар хил спартакиадалар, эстафеталар ва спорт мусобақалари шулар жумласидандир.

Кун кеча эса Тиббиёт академиясининг замонавий спорт мажмуасида яна бир хайрли тадбир — «Саломатлик — спорт байрами» номли мусобақалар ҳам оммавий тарзда бўлиб ўтди.

Кишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб уюштирилган мазкур спорт байрамида академиянинг барча факультетлари жамоалари, 1, 2, 3-клиника шифокорлари, «Ёшлик» талабалар шахарчаси ҳокимлиги жамоаси фаол иштирок этди.

Спорт байрамининг очилиш маросимида С.Рахимов тумани ҳокими Б.Ҳақимов, Тошкент Тиббиёт академияси ректори, академик Ш.Каримов, проректор Ш.Зокирхўжаев, академик Т.Да-

минов, «Ёшлик» талабалар шахарчаси ҳокими Р.Чориевлар сўзга чиқиб, спортнинг инсон саломатлигини, таъминлашдаги ўрни, соғлом турмуш тарзини татбиқ этиш йўлида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар, спорт байрамларининг олий ўқув юрти ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти масалаларига тўхталиб ўтишди.

Бу гал 8 апрель кунги ўтказилган дастлабки босқим мусобақаларининг эстафетали югуриши, шейпинг турлари бўйича жамоалар совринли ўринлар учун кураш олиб боришди. Аънамага кура мусобақани ўқитувчи-




лар ва шифокорлар бошлаб беришди. Югуриш эстафетаси бўйича ўқитувчи-шифокорлар жамоалари ўртасида 1-ўринни проректорлар командаси эгаллаган бўлса, талабалар ўртасида даволash факультети жамоаси барча раҳибларидан устун келди. Шунингдек, клиникалар бош шифокорлари, факультетлар деканларидан ташкил топган жамоалар, 1 ва 3 кли-



ника командалари ҳам яхши натижалар кўрсатишиб совриндорлар сафларидан ўрин олишди.

Спорт байрамининг голиб ва совриндорларига академия ректорати, «Камолот» ЕИҲ ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан таъсис этилган кубоклар, қимматбаҳо совғалар топширилди.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТЛАРДА: Тошкент Тиббиёт академиясида ўтказилган спорт байрамидан лавҳалар



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

Беш хил кўнгил бор: биринчиси — ўлик, иккинчиси — хаста, учинчиси — гофил, тўртинчиси — уйғоқ, бешинчиси — тирик.

\*\*\*

Мунофиқларнинг нишони улдурки, дунёга ҳирс билан ёпишгайлар, садакани риё билан бергайлар. Мўминнинг нишони эса улдурки, неки берса Ҳақ учун бергай, барча ишларини Ҳақ учун қилгай.

\*\*\*

Беш қилатда шошилиш ўринлидир: биринчиси — мусофирга таом беришда, иккинчиси — ўликни дафн этишда, учинчиси — қизни эрга беришда, тўртинчиси — ўлим келмасидан аввал таваб қилишда, бешинчиси — вақт ўтмасдан бурун намоз ўқишда.

АБУЛҲОРИС АВЛОСИЙ

Қила олганча дунёликдан оз нарсага қоне бўл.

ШАҚИҚ БАЛҲИЙ

Одамлар билан оловга муомала қилгандек муносабатда бўл: фойдаларидан баҳра олу куйдиришларидан эҳтиёт бўл.

ЯҲЁ МУОЗ

Муҳаббатнинг ҳақиқати улдурким, лутф била ортмагай ва жафо била ўқсумагай.

\*\*\*

Ўзда ушбу уч хислат бўлган киши солиҳ кишидир: ўзидан юқори бўлганларга ибрат кўзи билан боқгай, уларга ҳасад қилмагай; иккинчи — камбағалларга шафқат кўзи билан боқгай, кибр кўзи билан боқмагай; учинчи — мусулмон хотин-қизларга сиёнат (сақлаш) кўзи билан боқгай, шаҳват кўзи билан боқмагай.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОМЛАР

Хурматли тадбиркорлар!

Тошкент шаҳар худудида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ноқонуний текширишларнинг олдини олиш мақсадида «Ишонч телефон»лари ташкил қилинган:

269-14-45, 262-92-42

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси

2009 йил 1 майдан бошлаб

«Ўзбек давлат цирки» Республика бирлашмаси Тошкент Давлат цирки Илк бор! Бизда меҳмонда!

МАЙ ОЙИДАГИ МОСКВА

Халқаро театрлаштирилган цирк шоуси Москва ва Ҳамдўстлик мамлакатлари артистлари, шунингдек, «Қийиш ойна» театрининг қолдуги ОБИД АСОМОВ Шошилини!

Читалар цирк қассалирида ва тарқатувчилар томонидан сотилмоқда. Ҳақ турли шаҳарда тўловчи мўъом. Касса овоз 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Милитетлар учун телефонлар: 244-35-91, 244-35-94, 244-32-23.

Собир Рахимов туман ҳокимияти Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатга олинган «JIXOZ SHAMS» масъулияти чекланган жамияти Устав Фонди 51 700 000 сўмдан 4 000 000 сўмга қайташгани маълум қилади.

(Давоми 4-бетда).

Table with TV channel logos (O'zbekiston, Toshkent, Sport, Rossiya, TV) and a detailed program schedule for Dushanba, Chirshanba, and Seshanba. The schedule lists various programs, their start times, and the channels they are broadcast on.

